

- **Умумий қоидалар**

- Ўсимликлар чидамлиги лабораторияси (Кейинги ўринларда “Лаборатория” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси Геномика ва биоинформатика марказини таркибдаги лаборатория мақоми ҳисобланади.
- Лаборатория Геномика ва биоинформатика маркази раҳбариятига бўйсунди.
- Лаборатория ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг, Геномика ва биоинформатика маркази қарор ва буйруқларига, Марказ ва Лаборатория Низоми ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга амал қилади.
- Лабораториянинг тўлиқ номи:
 - Ўзбек тилида – Ўсимликлар чидамлиги лабораторияси
 - Инглиз тилида – The Laboratory of plants resistance
 - Рус тилида – Лаборатория устойчивости растений
- Лабораториянинг манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй.

- **Лабораториянинг асосий вазифалари ва функциялари**

- Лабораториянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:
- Қимматли қишлоқ хўжалик ўсимликларнинг (ғўза, буғдой, шоли, маккажўхори, соя, сабзавот, полиз экинлари ва ҳ.к) касалликларига чидамлилиқ механизмларини ўрганиш.
- Генетик карталаш ва фитопатогенларнинг чидамликга жавоб берувчи локусларини аниқлаш мақсадида қишлоқ хўжалик ўсимликларнинг экспериментал популяцияларини яратиш.
- Қишлоқ хўжалик ўсимликларида фитопатогенлар олиб келадиган касалликларни ўрганиш ва молекуляр маркерлар асосида генетик паспортларини яратиш . Фитопатогенлар генларини текшириш.
- Лаборатория асосий вазифаларидан келиб чиқиб, қуйидаги функцияларни амалга оширади:
 - белгиланган тартибда тасдиқланган режага ва давлат илмий - техник дастурларига мувофиқ, тармоқ ва минтақавий муаммоларини ҳал қилиш бўйича турли фитопатоген организмлар геномларини ўрганиш устида фундаментал, амалий ва инновацион изланишлар, лабораториявий тадқиқот ва тажриба ишларини ўтказди;
 - кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;
 - Лаборатория мустақил стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий-ходим-изланувчилар учун қулай шароитлар яратади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитаси томонидан йиллик квотани олади;
 - зарур ҳолларда илмий тадқиқотлар мавзусини янгилайди, долзарблигини йўқотган йўналиш ва муаммолар бўйича тадқиқот ишларни ўз вақтида тўхтатиш чораларини кўради;
 - илмий кадрлар тайёрлашни, шу жумладан хорижий давлат фуқароларидан (шартнома бўйича), шунингдек уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;
 - илмий таркибни мунтазам равишда истиқболли олимлар ва иқтидорли ёшлар билан тўлдириб боради;

- илмий ходимлар ўртасида лавозимларни эгаллаш учун танлов ўтказиши, улар билан меҳнат ва ҳуқуқий муносабатлар бўйича 5 йилгача шартнома тузиши;
- тадқиқотлар натижалари бўйича монография ва илмий мақолалар чоп этиши;
- Лабораторияда бажарилган ишлар бўйича илмий ва муаллиф устиворлигини ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилади;
- бажарилаётган режадаги илмий-тадқиқот ишларини қайд қилади, тегишли ташкилотларга бажарилган ишлар юзасидан илмий-техник маълумотлар ва ҳисоботлар тайёрлайди ва топширади, ўз фаолиятида илмий-ахборот маълумотларидан тўла фойдаланишни таъминлайди;
- **Лабораториянинг ҳуқуқлари**
 - Лабораторияга берилган ҳуқуқлар лаборатория мудирининг ва унинг топшириғи билан лаборатория ходимлари оралиқ амалга оширилади.
 - Бу ҳуқуқларга мувофиқ Лаборатория:
- илмий тадқиқот ишлари, тажриба ва экспериментал ишлар ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришда, ҳалқ хўжалигининг тармоқларида ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида фойдаланишнинг келажак ва жорий режалари лойиҳаларини ишлаб чиқади;
- илмий кадрлар тайёрлаш, режалаштирилган ишларни моддий техник ва молиявий таъминлаш, шунингдек Лабораториянинг асосий фаолиятига тегишли бошқа режаларини ишлаб чиқади;
- барча режалаштирилган топшириқлар, ишлар ҳамда буюртмаларни ҳисобга олган ҳолда Лабораториянинг йиллик илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг батафсил режаларини тузиши ва уларнинг бажарилишини таъминлайди; ҳар бир мавзу (топшириқ) ва ишланма, шу жумладан танловдан ўтган мавзу ва топшириқлар бўйича улар қайси манбадан пул маблағи билан таъминланишидан қатъий назар сарфланадиган харажатларни режалаштиради ва ҳисобга олади;
- халқаро дастур ва лойиҳалар бўйича иш режаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.
- ўзининг асосий йўналиши бўйича анжуманлар, семинарлар, симпозиумлар ва шу жумладан халқаро тадбирлар режаларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни таъминлайди;
- Лабораторияга ажратилган умумий маблағ ва иш ҳақи жамғармаси доирасида белгиланган тартибда тасдиқланган смета моддалари бўйича харажатлар миқдорини аниқлайди;
- Лаборатория ўз йўналишидаги фаолияти бўйича буюртмачилар билан шартномавий илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ҳажмини мустақил белгилайди;
- хўжалик шартномалари босқичлари ва топшириқларининг бажарилиши, ҳамда ўз вақтида буюртмачига топширилишини таъминлайди, шунингдек бу шартномалар бўйича олинган маблағларни белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида сарф қилади;
 - Лаборатория белгиланган тартибда ўз балансидан қуйидагиларни чиқариб ташлаш ҳамда қайта таъмирлаш ҳуқуқига эга:
- маънавий эскирган, ишдан чиққан ва келгусида фойдаланишга ва реализацияга ярамайдиган асосий воситалар, илмий жиҳоз ва анжомлар, транспорт воситалари, инвентар асбоблар;
- янги объектлар қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда хароба аҳволидаги бино ва иншоотлар;
- кимматбаҳо буюмлар камомати ва камомат қарзлари.

- Лаборатория мавжуд иш хақи жамғармаси доирасида структура ва штат жадвалини ишлаб чиқади ва Геномика ва Биоинформатика Маркази томонидан тасдиқланади; таркибий сони ва ходимлар миқдорини белгилайди:
- мақсадга мувофиқ ҳолларда ходимларга ўриндошлик касбини бажариш ва хизмат доирасини кенгайтиришга белгиланган тартибда рухсат беради;
- устама ҳақ ва мукофотлаш тўғрисидаги тасдиқланган қоидаларга мувофиқ ходимларни мукофотлайди ва лавозимига белгиланган маошига устама ҳақ белгилайди;
- олимларнинг илмий фаолиятини таъминлаш учун қулай шароит яратади;
- олимларнинг ва лабораторияларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги меъёрга риоя қилган ҳолда давлат бюджетидан молиялаштирилдиган фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижаларини Геномика ва Биоинформатика Марказига топширади;
- ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш чора тадбирларини кўради.
- **Лаборатория фаолиятига раҳбарлик қилиш**
- Илмий кенгаш танловидан ўтган, фан докторлари ёки истиқболли фан номзодлари орасидан Марказ директори томонидан чиқарилган буйруққа асосан лавозимга тасдиқландиган ва лавозимдан озод этиладиган лаборатория мудирини раҳбарлик қилади.
- Лабораториянинг илмий ходимлари:
- Етакчи илмий ходим фундаментал, амалий ва инновацион характердаги муҳим илмий муаммолар юзасидан тадқиқотларни, шу жумладан илмий-техник дастурлар бўйича, асослайди, режалаштиради ва амалга оширади, уларни бажаришда бевосита иштирок этади, фаннинг айрим муаммолари (мавзулар, топшириқлар) бўйича тадқиқотларга раҳбарликни амалга оширади ва тадқиқотлар ўтказувчи гуруҳни бошқаради ёки илмий-техник дастурларнинг айрим топшириқларининг маъсул бажарувчиси ҳисобланади.
- Катта илмий ходим мустақил мавзуларни тадқиқ қилувчи ходимлар гуруҳини бошқаради шунингдек мавзуларнинг бир қисми, бўлими, босқичи ҳисобланган топшириқларни, мураккаб экспериментлар ва кузатишларни амалга оширади ёки илмий-техник дастурларнинг алоҳида топшириғининг бажарувчиси ҳисобланади;
- Кичик илмий ходим маъсул раҳбар бошчилигида мавзунинг айрим қисмлари (босқичлари, топшириқлари) бўйича тасдиқланган услубга мувофиқ илмий тадқиқот ишлари ўтказилади.
- Лабораториянинг режадаги топшириқларини бажаришда яратилган интеллектуал мулкка муаллифлик ва бошқа мулк ҳуқуқларга эга субъектлари ҳисобланади.
- **Лабораториянинг мол-мулки ва фаолиятининг иқтисодий асослари**
- Лабораториянинг мулки Геномика ва Биоинформатика Маркази томонидан оператив бошқариш ҳуқуқи билан бир китилган мулк;
- Лабораториянинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилган мулк.
- Лаборатория мулкининг қиймати Лабораториянинг Геномика ва Биоинформатика Маркази балансида акс эттирилади.
- Лаборатория мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан Лаборатория ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

- Лаборатория мулкни тасарруф этиш куйидаги ҳолларда Геномика ва Биоинформатика Маркази директори томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда амалга оширилади:
 - асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;
 - мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;
 - хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;
 - мулкни давлат корхонаси фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.
- Бунда бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаганларни) сотиш Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилади.

- **Лабораторияларни қайта ташкил қилиш, тугатиш, қўшиш**
 - **тартиби ва оқибатлари**

- Хизмат ёки илмий зарурат туфайли лаборатория ва бошқа бўлинмаларнинг қайта ташкил қилиниши, бошқа бўлинма билан қўшилиши, қисмларга ажратилиши ёки тугатилиши мумкин.
- Лаборатория ва бошқа бўлимлар қайта ташкил қилиниши, бошқа бўлинма билан қўшилиши, қисмларга ажратилиши ёки тугатилиши ЎЗР ФА илмий кенгашининг йиғилиш баённомаси асосида ижро қилинади.
- Қайта ташкил қилинган, бошқа бўлинма билан қўшилган, қисмларга ажратилган лаборатори ёки бўлинманинг илмий, расмий ҳужжатлари ва иш юритув ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий ворисига ўтади ва тугатилганда унинг ҳужжатлари Марказ архивига топширилади.
- Лаборатория ва бошқа бўлинмаларнинг қайта ташкил қилиниши, бошқа бўлинма билан қўшилиши, қисмларга ажратилиши ёки тугатилиши қонунда белгиланган бошқача тартибда амалга оширилиши мумкин.
- **Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.**
- Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Лаборатория илмий ходимлари Илмий Кенгашининг умумий йиғилиши баённомаси асосида киритилади. Баённомада киритилиши зарур бўлган қўшимча ва ўзгартиришларнинг зарурлик даражаси ва асоси аниқ кўрсатилиши зарур. Киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар алоҳида расмийлаштирилиб, асосий Низомга илова сифатида қўшилади.